

**РЕСПУБЛИКА ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

СУВОНОВ ҚАЙИМ ЖАХОНОВИЧ

**ТАЖРИБАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР АСОСИДА ОШҚОЗОН-ИЧАК
ЙЎЛЛАРИДАН БАКТЕРИЯЛАР ТРАНСЛОКАЦИЯСИ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ МАЖМУАВИЙ БАҲОЛАШ**

03.00.04 - Микробиология ва вирусология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Сувонов Қайим Жахонович

Тажрибавий тадқиқотлар асосида ошқозон-ичак йўлларида
бактериялар транслокацияси механизмларини мажмуавий баҳолаш.....5

Сувонов Қайим Жахонович

Комплексная оценка механизмов транслокации бактерий из
желудочно-кишечного тракта на основе экспериментальных
исследований.....29

Suvonov Kayim Jachonovich

Integrated assessment of mechanisms of bacterial translocation from
The gastrointestinal tract based on experimental study.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

**РЕСПУБЛИКА ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ВАТОШКЕНТ
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙКЕНГАШ**

**САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

СУВОНОВ ҚАЙИМ ЖАХОНОВИЧ

**ТАЖРИБАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР АСОСИДА ОШҚОЗОН-ИЧАК
ЙЎЛЛАРИДАН БАКТЕРИЯЛАР ТРАНСЛОКАЦИЯСИ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ МАЖМУАВИЙ БАҲОЛАШ**

03.00.04 - Микробиология ва вирусология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.Dsc/Tib141рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immunology.uz) “ZiyoNet” ахборот таълимпорталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий
маслаҳатчи:**

Нуралиев Неккадам Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Нурузова Зухра Абдукадировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джуманиязова Гульнара Исмаиловна
биология фанлари доктори, профессор

Эшбоев Эгамберди Хусанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи
ташкilot:**

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика иммунология илмий маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.50.01рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел.факс: (99871) 233-08-55, e-mail immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Республика иммунология илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел.факс: (99871) 233-08-55).

Диссертация автореферати 2017 йил “___” _____ кuni тарқатилди.
(2017 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З.С.Камалов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Д.А.Мусаходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жарроҳлик касалликлари ва инфекциялари келиб чиқишида бактериал транслокация феноменининг ўрни муҳим тиббий-биологик муаммо бўлиб қолмоқда. Аниқланишича, аксарият госпитал инфекцияларни транслокация бўлган ичак микроорганизмлари келтириб чиқаради, бу феноменнинг беморларга таъсир доирасини юқори даражада ва механизмини аниқлаш қийин. Амалга оширилган дастурий тадбирлар натижасида аҳолида ўткир ингичка ва йўғон ичак тутилиши билан боғлиқ жарроҳлик инфекциялари 10-12% га, улар оқибатида келиб чиқадиган асоратлар 9-15% га камайди, ташхислаш самараси ошди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан мамлакатимизда аҳолига тубдан янги, сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш бўйича аниқ мақсадли тадбирлар амалга оширилди, соғлиқни сақлашнинг самарадор моделлари татбиқ этилди ва салмоқли ижобий натижаларга эришилди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида амалий соғлиқни сақлаш билан бир қаторда, тажрибавий микробиология ривожланиши ҳам юқори даражага кўтарилди. Шулар билан бир қаторда соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор муаммолар мавжуд эди. Улар орасида микроорганизмларнинг ошқозон - ичак трактидан ички аъзоларга транслокация бўлгани ҳолда турли эндоген хирургик инфекциялар келтириб чиқариши, уларни микробиологик ташхислаш ва профилактикасини амалга ошириш муҳимдир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари Стратегиясида «оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада амалга ошириш» белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва эндоген хирургик инфекциялар кўпайишининг олдини олиш, айниқса беморларда кузатиладиган асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон миқёсида кўплаб жарроҳлик касалликлари ва инфекциялари келиб чиқишида бактериал транслокация феноменининг ўрни муҳим тиббий-биологик муаммо бўлиб қолмоқда. Кўпгина шифохона ичи инфекциялари пайдо бўлишида ичак микроорганизмларининг транслокацияси сабаб бўлиши аниқланган, аммо бу феноменнинг беморларга таъсир доираси ва механизмини аниқлаш қийин. Ҳозирги вақтда жарроҳлик инфекциялари кўзгатувчилари организмга асосан ташқи муҳитдан тушган, деб ҳисобланади. Бу инфекция тарқалишининг бошқа, яъни эндоген йўлига кам аҳамият берилмоқда. Кўп тадқиқотлар муаммонинг клиник-патогенетик ва ташхисий жиҳатларига бағишланган, бактериал транслокация (БТ) шаклланишининг микробиологик хусусиятлари ҳамда уларнинг эндоген инфекциялар ривожланишидаги ўрни билан алоқадор тадқиқотлар кам ва бир-бирига боғлиқ

эмас. Йўғон ичак доимий микрофлораси вакилларининг ичак шиллик қавати орқали ўтишининг микробиологик жиҳатлари очиб берилмаган. Шу сабабли ҳам ушбу муаммо бўйича микробиологик ҳамда тажрибавий тадқиқотларни ўтказиш долзарб ҳамда илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон Қарори билан тасдиқланган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги 91-сон Қарори «Тиббиёт муассасаларининг фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш ва моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмийтадқиқотлар шарҳи. Тажрибавий тадқиқотлар асосида ошқозон-ичак йўлларида БТ механизмларини мажмуавий баҳолашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Institute of Medical Microbiology and Hospital Epidemiology, Hannover Medical School (Германия); Institute of Microbiology Czech Academy of Sciences (Чехия Республикаси); Tokyo University Institute of Medical Mycology (Япония); MRC Centre for Molecular Bacteriology and Infection, Imperial College London (Буюк Британия); Instituto de Salud Carlos III (Испания); Microbiology Section, Department of Experimental Medicine, University of Perugia (Италия); Department of General Surgery, the Affiliated Hospital of Medical College, Qingdao University (Хитой); Discipline of Microbiology, National University of Ireland (Ирландия); Department of Microbiology and Immunology, University of California (АҚШ); Department of Gastroenterology, Skane University Hospital, University of Lund (Швеция); И.М. Сеченов номидаги Москва тиббиёт академияси (Россия Федерацияси); Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон Республикаси) да олиб борилмоқда.

Ошқозон-ичак йўллари бактерияларининг организм ички аъзоларига транслокацияси клиник-экспериментал хусусиятлари бўйича тадқиқотлар ўтказилиб, илмий натижалар олинган, жумладан БТ сабабли эндоген хирургик касалликларининг келиб чиқиши ва ўзига хос кечиши аниқланган (Department of General Surgery, the Affiliated Hospital of Medical College, Qingdao University, Хитой); БТ шаклланишига организм иммун тизимининг таъсири кўрсатилган

(Department of Microbiology and Immunology, University of California, AQSH); ичак меъерий микрофлораси сифатий ҳамда микдорий ўзгаришларининг БТ ривожланишидаги ўрни баҳоланган (Discipline of Microbiology, National University of Ireland, Ирландия), тажрибавий тадқиқотлар асосида ичак шиллиқ қаватининг БТ интенсивлигига таъсири исботланган (Microbiology Section, Department of Experimental Medicine, University of Perugia, Италия; Instituto de Salud Carlos III, Испания), ўткир ичак тутилиши тажрибавий моделларини яратиш ҳамда БТ хусусиятларини тажрибада ўрганиш амалга оширилган (И.М. Сеченов номидаги Москва тиббиёт академияси, Россия Федерацияси).

Ҳозирги кунда дунё миқёсида БТ ривожланиши клиник-патогенетик, иммуно-микробиологик жиҳатларини ўрганиш, сабаби БТ бўлган хирургик касалликларининг ташҳиси ва даволаш йўллари бўйича илмий-тадқиқот ишлари қуйидаги устувор йўналишлар бўйича олиб борилмоқда, жумладан: ўткир ичак тутилишларини ўрганиш бўйича клиник, тажрибавий тадқиқотлар ўтказиш, сабаби БТ бўлган эндоген инфекциялар ривожланиш механизмини аниқлаш, БТ шаклланиши ва ривожланишида ичак меъерий микрофлораси ва иммун тизимнинг ўрни, БТ интенсивлигини кучайтиришга олиб келувчи омилларни аниқлаш, БТ феномени бўйича янги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда хирургик касалликларнинг ташҳиси ва давосига янгича ёндошишларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки макроорганизм ва микроорганизм ўртасидаги филогенезда ташкил топган ва онтогенезда индивидуал шаклланивчи симбиоз ҳар бир организмда прокариот ва икки томонлама фойда келтирувчи ўзаро алоқаси ҳисобланади (Титов В.Н. ва ҳаммуаллифлар, 2005; Мухамедов И.М. ва ҳаммуаллифлар, 2016).

Меъерий микрофлора иммун тизимнинг функционал фаоллигини шакллантиришда, уни шу ҳолда ушлаб туришда қатнашади, лекин ўз навбатида иммун тизими организмнинг меъерий микрофлорасини сон ва сифат жиҳатдан бошқаришда қатнашади (Нуралиев Н.А., 2001; Гариб Ф.Ю., 2012).

Одам йўғон ичагидаги меъерий микрофлора вакиллари - индиген ва факультатив микроорганизмлар мувозанати бузилганда, ичак шиллиқ қавати ўтказувчанлиги ошганда қон ва лимфа орқали ҳаётга лаёқатли микроорганизмларнинг турли аъзоларга ўтиши кучаяди. Бу ҳолат Berg R. D. (1979) томонидан «бактериал транслокация», деб номланган.

Ўтказилган тадқиқотлар БТ қуйидаги нозологик бирликларда эндоген инфекциянинг етакчи омилларидан бири эканлиги келтирилган: перитонит ва жароҳат инфекциялари (Ерүхин И.А. ва ҳаммуаллифлар, 2003), ичак тутилиши (Пеев Б.И., Довженко А.Н., 2009; Баймаков С.Р., 2016; Каримов Ш.И. ва ҳаммуаллифлар, 2016), қорин, кўкрак соҳаси (Кобиашвили М.Г. ва ҳаммуаллифлар, 2003) ва таянч-ҳаракат аъзолари травматик жароҳати (Ерүхин И.А., 2001), термик жароҳат (Fu W.L. et al., 2000), сепсис (Naaber P. et al., 2000), жигар ва ўт йўллари патологияси (Федосына Е.А.

ва ҳаммуаллифлар, 2009), спленэктомия (Marques R.G. et al., 2004), ичак ишемияси ва реперфузияси (Кувшинов А.Г., 2004; Joao S. A. et al., 2004), шок (Ljungdahl M. et al., 2000).

БТ феноменини тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми, сепсис ва полиорган етишмовчилик ривожланиши билан ҳам боғлашади (Титов В.Н., Дугин С.Ф., 2010). Айрим муаллифлар аксарият госпитал инфекцияларни транслокацияланган ичак микроорганизмлари келтириб чиқарган, деб хисоблайдилар (Нурмухамедов Х.К., 2004).

ОИЙ тирик бактериялари транслокацияси ҳодисаси жарроҳликда кўп учраши тадқиқотчилар (Гостищев В.К. ва ҳаммуаллифлар, 2006) илмий изланишлари натижаларидан ҳам маълум.

БТ феноменидан фарқли «транзитор бактериемия» ҳолати ҳам маълум бўлиб, у амалий жиҳатдан соғлом одамларда кузатилади, сепсис ҳамда маҳаллий йирингли ўчоқлар ривожланишига олиб келмайди. Шубҳасиз, бунда организм иммун тизими ва адекват иммун жавобнинг ўрни ҳам катта (Нуралиев Н.А. ва ҳаммуаллифлар, 2013).

Ҳозирги кунда БТ ни ўрганиш учун турли тадқиқотчилар қўллаётган усулларни баҳолай туриб, уларни бир неча асосий гуруҳларга ажратиш мумкин (Hofer U. et al., 2010): БТ моделини шакллантириш учун тест-микроорганизмларни танлаш, биологик материални озик муҳитларга экиш ва идентификация (бактериологик), флуоресцент моноклонал антителоларни қўллаш, турли радиоизотопли усуллар (иммунологик), плазмид белгилар, қонда микроорганизм ДНКсини аниқлаш (генетик), инсон карциномаси хужайраларида моделлаш, сканерловчи электрон микроскопия (морфологик).

Ўтказилган таҳлил ҳозиргача бажарилган тадқиқотлар БТ ривожланиши механизми, микроорганизмларнинг бир муҳитдан иккинчи муҳитга ўтганда улардаги ўзгарувчанлик, мослашиш механизмлари билан алоқадор ишлар кам ва бир бирига боғлиқ эмаслигини кўрсатди. «Транзитор бактериемия» нинг сепсис ва полиорган етишмовчилигига айланиш механизми тўлиқ ўрганилмаганлигича қолган. Шу муносабат билан ушбу муаммо бўйича микробиологик ва тажрибавий тадқиқотларни давом эттириш долзарбдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС-15.17.4 «Озик овқат маҳсулотлари хавфсизлигини баҳолаш учун зарур бўлган одам организми ички муҳитининг турли табиатли контаминантлар билан ифлосланиш биомаркёрлар тизимини ишлаб чиқиш» лойиҳаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тажрибавий ўткир ичак тугилишларида бактериал транслокация ривожланиш механизмларини аниқлаш ва ушбу феномен келиб чиқишида иммун тизимнинг ўрнини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тажрибавий ўткир ингичка ва йўғон ичак тутилишлари моделларини такомиллаштириш ва микробиологик тадқиқотлар ўтказиш алгоритминини ишлаб чиқиш;

тажрибавий моделларда ошқозон - ичак йўлларида транслокация бўлувчи микроорганизмлар унишини баъзи ички аъзолар ва биологик суюқликлар кесимида тажриба ҳайвонларида аниқлаш;

тажрибада бактериялар транслокация шаклланиши, ривожланиши ва интенсивлигида микроорганизмлар монокультура ҳамда ассоциация кўринишларининг ўрнини аниқлаш ва баҳолаш;

тажрибада бактериялар транслокация интенсивлигини баҳоловчи микробиологик мезонлар ишлаб чиқиш;

тажрибавий бактериялар транслокация шаклланишида ошқозон - ичак йўллари меърий микрофлорасининг транслокацияга қодир вакилларининг организм экстраинтестинал қисмларида аниқлаш;

тажрибавий ўткир ингичка ва йўғон ичак моделларида транслокация бўлган микроорганизмларнинг обтурация муддатига боғлиқ ҳолда униш даражасини ва асосий хусусиятларини аниқлаш;

бактериялар транслокация феноменининг шаклланиши ва ривожланишида организм иммун тизимининг ўрнини тотал иккиламчи иммунодефицит модели ёрдамида аниқлаш ва баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 272 та оқ зотсиз лаборатория сичқонлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети лаборатория ҳайвонлари мезентерия лимфа тугунлари, жигари, талоғи, ўпкаси, периферик қони, перитонеал суюқлиги биологик ашё сифатида микробиологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тажрибавий, микробиологик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тажрибавий ўткир ингичка ва йўғон ичак тутилишлари моделларида БТ шаклланишини таъминловчи транслокацияга қодир асосий микроорганизмлар ва уларнинг тажриба ҳайвонлари турли органларида униши аниқланган;

илк бор грамманфий бактерияларнинг транслокация бўлиш қобилияти граммусбат кокклар ва анаэроб микроорганизмларга нисбатан юқорилиги аниқланган;

ўткир ингичка ва йўғон ичак тутилишлари моделларида БТ ривожланиши ва интенсивлигини микроорганизмлар ассоциациялари таъминлаши, монокультура кўринишига нисбатан уларнинг ўрни ишонarli юқорилиги аниқланган;

ўткир ингичка ва йўғон ичак тутилиши моделларида транслокация бўлган микроорганизмларнинг униш фоизи обтурация муддатларига узвий боғлиқлиги ва унга тўғри прапорционаллиги исботланган;

илк бор БТ феномени шаклланиши ва ривожланишида организм иммун тизими фаолияти баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Ўткир ингичка ва йўғон ичак тутилишлари моделлари тажрибавий микробиологияга мос равишда такомиллаштирилган ва тадқиқотларда уларнинг самараси кўрсатиб берилган;

тажрибавий микробиологик тадқиқотлар таҳлил алгоритми илмий ва амалий фаолиятга тавсия этилган;

БТ интенсивлигини баҳоловчи микробиологик мезон -микроорганизмлар униш фоизи кўрсаткичи тавсия этилган;

иммун тизими БТ интенсивлигини бошқариши баробарида микроорганизмларнинг транслокация бўлиш қобилятининг кучайишига ҳам сабаб бўлиши кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёшдошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, экспериментал материалнинг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тажрибавий БТ шаклланиш ва ривожланиш механизмларини, унинг интенсивлигини мажмуавий баҳолаш имконини яратган. Тажрибавий ингичка ва йўғон ичак тутилишлари моделларида БТ келиб чиқишида ОИЙ меъёрий микрофлораси вакилларининг ўрни, транслокация бўлиш қобиляти ва транслокация интенсивлиги даражасига иммун тизимнинг таъсири кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тажрибада БТ механизмларини ўрганишда тавсия этилган микробиологик тадқиқотлар алгоритми ва БТ интенсивлигини баҳолаш учун тавсия этилган микробиологик мезон тажрибавий тадқиқотларни самарали, кам харажатда ўтказиш имконини яратган ва олинган натижалар ишончлилигини, тажрибалар ўтказиш софлигини таъминлаган, БТ га боғлиқ жарроҳлик касалликлари ва инфекцияларининг зарари ва хавфини камайтирган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.Тажрибада ошқозон-ичак йўлларида бактериялар транслокацияси механизмларини мажмуавий баҳолаш асосида:

тажрибада транслокацияга қодир микроорганизмлар ва уларнинг организм ички аъзоларидан униш даражасини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилган «Тажрибавий ўткир ингичка ва йўғон ичак тутилишларида бактериал транслокация интенсивлигини баҳолаш мезонлари» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 11 сентябдаги 8Н-д/19-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома

тажрибавий тадқиқотларда БТ интенсивлигини аниқ баҳолаш имконини яратган;

БТ шаклланиши ва ривожланишини таъминловчи асосий микроорганизмлар пейзажи, уларнинг транслокация бўлиш қобилияти ҳамда БТ интенсивлигини баҳолаш мезонлари бўйича олинган илмий натижаларсоғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Республика давлат санитария эпидемиология назорати маркази, Тошкент давлат стоматология институти амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 11 сентябрдаги 8Н-д/19-сонли маълумотномаси). Жорий этилган натижалар тажрибавий микробиологик тадқиқотлар самарадорлигини оширган, тажрибаларнинг соғлигини таъминлаш имконини берган, микробиологик тадқиқотлар ўтказишда озиқ муҳитлар ва лаборатория ҳайвонларини тежаш ҳисобига тажрибаларнинг ҳар сериясидан 696175 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан 11 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 160 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, илмий иш апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бактериал транслокация феномениниг микробиологик, иммунологик ва патогенетик жиҳатлари бўйича замонавий тадқиқотлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобда БТ феномени, унинг шаклланиш омиллари, ривожланиш қонуниятлари, патогенетик, микробиологик, иммунологик ва морфологик жиҳатларига бағишланган клиник ҳамда тажрибавий тадқиқотлар натижалари баён этилган охириги йиллар илмий манбалари шарҳи келтирилган. Шунингдек, ОИЙ

бактерияларининг организм ички аъзоларига ўтиш механизмини ўрганиш усуллари, транзитор бактериэмия ва БТ нинг фаркли хусусиятлари баён этилган ватандош ва хорижий тадқиқотчилар илмий ишларининг таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Бактериал транслокация феномени микробиологик жиҳатларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ҳажми, материал ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобда қўйилган муаммоларни ҳал этишни таъминловчи усуллар ва услубий ёндошувлар келтирилган.

Тажрибавий тадқиқотлар учун лаборатория ҳайвонларини танлашда ишлаб чиқилган услубий қўлланма (ЎЗР ССВ томонидан 8н-п/89-рақами билан 25.05.2016 йилда тасдиқланган) ва ахборот хатида (6.06.2016 йилда 0438-рақами билан рўйхатга олинган) келтирилган асосий талаблар ва этик тамойиллар асос бўлди.

Тадқиқотларни амалга ошириш мақсадида жами 272 та оқ, зотсиз сичқонлар ишлатилди. Уларнинг оғирлиги 25 грамм ва ундан ортиқ бўлиб, ёши 2-3 ойни ташкил этди.

Улар 4 гуруҳга бўлинди: 1 гуруҳ - ўткир ингичка ичак тутилиши (ЎИИТ) чақирилганлар, n=72; 2 гуруҳ - ўткир йўғон ичак тутилиши (ЎЙИТ) чақирилганлар, n=72; 3 гуруҳ - таққослаш гуруҳи (қорин бўшлиғи очилиб, ичак тутилиши чақирилмаганлар, n=72); 4 гуруҳ - назорат гуруҳи (интакт, n=24).

Шунингдек, 1, 2 ва 3 гуруҳлар ўз навбатида гуруҳчаларга бўлинди: 1а, 2а ва 3а - ЎИИТ, ЎЙИТ ва таққослаш гуруҳида операциядан кейин 24 соат ўтганлар (n=8 тадан); 1б, 2б ва 3б - ЎИИТ, ЎЙИТ ва таққослаш гуруҳида операциядан кейин 48 соат ўтганлар (n=8 тадан); 1в, 2в ва 3в - ЎИИТ, ЎЙИТ ва таққослаш гуруҳида операциядан кейин 72 соат ўтганлар (n=8 тадан).

Ушбу муддатлар ичаклар деворида обтурация натижасида энг кўп патологик, морфологик ва клиник ўзгаришлар бўлишига қараб танланди. Интакт лаборатория ҳайвонлари фақат 72 соатлик муддатдан сўнг жонсизлантирилиб, микробиологик тадқиқотлар ўтказилди.

Экстраинтестинал аъзоларга транслокация бўлувчи микроорганизмлар асосан йўғон ичак меъёрий микрофлораси вакиллари бўлиб, уларнинг миқдорий ва сифатий таркиби фаслга мос ўзгаришга мойилдир (Мухамедов И.М. ва ҳаммуаллифлар, 2016). Шунинг хисобга олган ҳолда тажрибавий тадқиқотларнинг 3 та серияси ўтказилди.

БТ жараёнига иммун тизимнинг таъсирини ўрганиш мақсадида иккиламчи иммунодефицит тажрибавий моделларидан бири нур касаллигидан фойдаланилди (Шахмурова Г.А., 2016).

Барча тотал нурлантирилган сичқонлар 4 гуруҳга бўлинди: 1 гуруҳ - ЎИИТ чақирилгач, 24 соатдан сўнг (n=8); 2 гуруҳ - ЎЙИТ чақирилгач, 24 соатдан сўнг (n=8); 3 гуруҳ - таққослаш гуруҳи (қорин бўшлиғи очилиб, ичак тутилиши чақирилмаган, n=8); 4 гуруҳ - назорат гуруҳи (интакт, n=8).

Кенгайтирилган бактериологик текширишлар лаборатория ҳайвонлари экстраинтестинал аъзолари (МЛТ, жигар, талок, ўпка) ва биологик суюқликларидан (периферик қон, перитонеал суюқлик) олинган биологик

ашёлардан унган микроорганизмларга нисбатан ($>10^5$ КҲҚБ/мл) ўтказилди. Барча аъзолар озик муҳитларга «босма-суртма» усулида, периферик қон ва перитонеал суюқлик Гольд бўйича экилди. Идентификация Bergy's Manual Systematic Bacteriology(1997) бўйича олиб борилди.

БТ феноменини таъминлаган *Escherichia* spp, *Citrobacter* spp, *Enterobacter* spp, *Staphylococcus* spp идентификациясида Сасова В.А., Залесских Н.В. (2009); Исхакова Х.И. ва ҳаммуаллифлар (2010) тавсияларидан, *Enterococcus* spp идентификациясида Исхакова Х.И. ва ҳаммуаллифлар (2010) тавсияларидан фойдаланилди. *Bacteroides* spp идентификациясида Баженов Л.Г. ва ҳаммуаллифлар (2005), Мухамедов И.М. ва ҳаммуаллифлар (2016) тавсияларидан фойдаланилди.

Enterobacteriaceae оиласи вакиллари (*Escherichia* spp, *Citrobacter* spp, *Enterobacter* spp) идентификация қилишда уларнинг морфологик, тинкториал, культурал хусусиятлари билан бирга биокимёвий хусусиятларидан ҳам фойдаланилди. Ушбу микроорганизмлар авлодигача идентификациясини таъминлайдиган 9 та тестдан фойдаланилди: лизиндекарбоксилаза, уреаз, борлиги, сероводород, индол ҳосил бўлиши, глюкоза, лактоза ферментацияси, натрий цитрат, натрий малонат утилизацияси, бактерия ҳаракатчанлиги.

Staphylococcus spp идентификацияси морфологик, культурал ва биокимёвий хусусиятлари асосида амалга оширилди.

Enterococcus spp қуйидаги дифференциация қилувчи белгилар асосида идентификация қилинди: граммусбат, кўриш майдонида занжирсимон жойлашиш, ўт-эскулинли агарда бирлашиб кетган S-кўринишли қора рангли колониялар, лактоза, глюкоза ва маннитни кислотагача (газсиз) ферментлаш, 6,5% ли NaCl ли муҳитда ўсиш.

Bacteroides spp қуйидаги дифференциация қилувчи белгиларга қараб авлодигача идентификация қилинди: грамманфий тайёкча, ҳаракатсиз, қонли агарда хира, кичик S-кўринишли колония, гемолиз йўқ, сероводород ҳосил қилди, глюкоза, лактоза, сахарозани ферментлади, қатъий анаэроб шароитда ўсди.

Бактериологик текширишлар учун “HiMedia” фирмаси (Ҳиндистон) озик муҳитларидан фойдаланилди.

Диссертация ишини амалга оширишда 2 та тажрибавий ўткир обтурацион ичак тутилиши моделларидан (Круглянский Ю.М., 2007) фойдаланилди. Биринчи моделда ўткир ингичка ичак тутилиши моделидан, иккинчи моделда эса ўткир йўғон ичак тутилиши моделидан ўз модификацияларимизни киритган ҳолда фойдаландик.

БТ га кодир микроорганизмларнинг ички аъзоларга ўтиш интенсивлиги динамикада 24, 48, 72 соатдан кейин ўрганилди. Оператив аралашув БТ шаклланишига сабаб бўлиши мумкин, деган тахминни ҳисобга олган ҳолда таққослаш гуруҳига киритилган оқ зотсиз сичқонлар қорин бўшлиғи очилиб, ингичка ва йўғон ичакда обтурация чақирилмай, қайтадан тикиб қўйилди. Интакт оқ зотсиз сичқонларда оператив аралашув ўтказилмади. Барча

тажрибавий тадқиқотларда лаборатория ҳайвонлари билан ишлаш қоидалари, этик тамойиллари, биологик хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилинди.

Микробиологик тадқиқотлар учун ҳайвонлар МЛТ, жигари, талоғи, ўпкаси, периферик қони, перитонеал суюқлиги асептика қоидаларига қатъий амал қилинган ҳолда олинди.

Тотал иккиламчи иммунодефицит моделини (нур касаллиги) яратиш учуноқ зотсиз сичқонларнинг эркаклари танлаб олинди, вазни 25 граммдан кам бўлмади. Уларни бир марта тотал нурлантириш γ-нурлантирувчи тиббиётасбоби -РУТ-250-15-2 орқали амалга оширилди. Нурланиш дозаси 5 Грейни ташкил этиб, ҳар Грейга 11 минут 37 секунд сарфланди (жами нурланиш вақти 58 минут 8 секунд). Нурлантириш найчасидан сичқонлар танаси юзасигача бўлган масофа 65 см ни ташкил этди, нурланиш манбаси мис (Cu) бўлди. Нурлантирилгач, 5 кун сақланиб, 6-кунда ЎИИТ, ЎИИТ ва таққослаш гуруҳига хос операциялар қилинди. Тотал нурланишдан сўнг БТ феноменини операциядан 24 соат ўтган муддатда кузатдик.

Олинган натижаларни статистик ишлаш учун умум қабул қилинган вариацион статистика усулларида фойдаланилди. Диссертацияга оид тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **«Тажрибавий ўткир ичак тутилиши моделларида бактерияларнинг транслокация интензивлиги кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили»** деб номланган учинчи бобида БТ кечиш интензивлиги, ичакдаги микроорганизмлар мажмуасининг МЛТ, жигар, талок, ўпка, периферик қон ва перитонеал экссудатдаги таркибини тажриба муддатларига боғлиқ ҳолда ўрганиш натижалари келтирилган.

ЎИИТ чақириш мақсадида ёнбош ичак букланиб, тикиш материали билан боғланди (обтурация), ёнбош ичак тутамини патологик жараёнга жалб қилмасликка алоҳида эътибор берилди. ЎИИТ унинг дистал қисмини буклаб, боғлаш (обтурация) натижасида чақирилди.

Ўрганилган барча аъзолар ва биологик суюқликларнинг меъёрда стерил бўлишини инобатга олиб, улардан олинган ашёдан озик муҳитларда унган ҳар қандай микроорганизм БТ сифатида талқин қилинди.

Илмий ишни бажариш жараёнида тажрибавий микробиологик тадқиқотлар таҳлил алгоритми ишлаб чиқилди. Ушбу алгоритмнинг афзаллик томони тажрибавий микробиологик тадқиқотлар ўтказиш режасини тузиш, уни қадамба қадам амалга ошириш, барча тажрибавий микробиологик тадқиқотларнинг бир хил бажарилишига эришиш ва таҳлил натижаларини сифатли тарзда, вақтида олиш имконини беради. Тажрибавий микробиологик таҳлил алгоритми биринчи марта тавсия этилаётган бўлиб, тажрибавий микробиологик текширишларни амалга ошириш учун қулай.

Баён этиш ва материални тушуниш осон бўлиши учун биз тажрибавий ЎИИТ ва ЎИИТ да микроорганизмлар униш фоизи (МУФ) кўрсаткичларини алоҳида келтириб ўтишни лозим топдик.

МЛТ да МУФ 24 соатлик муддатдан сўнг $45,8 \pm 10,1\%$ ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич 48 соатдан сўнг $91,7 \pm 5,6\%$ гача ишонарли равишда ошган бўлса, 72 соатлик муддатдан сўнг эса 100% гача етди, яъни бу муддатда барча лаборатория ҳайвонларининг МЛТ си колонизация қилинганини кузатдик. Биринчи тажриба муддатига нисбатан иккинчи ва учинчи тажриба муддатларида МЛТ нинг микроорганизмлар билан контаминация даражаси 2,0 ва 2,2 мартага кўпайди. Ушбу муддатларда олинган параметрлар орасида ишонарли равишдаги тафовут бўлиши ($P < 0,05$) МУФ кўрсаткичи тажриба муддатларига боғлиқлигини кўрсатади.

Тажриба ҳайвонлари жигарида аниқланган МУФ шу ҳайвонлар МЛТ бўйича олинган натижалардан бир мунча фарқли бўлди, чунончи 24 соатдан сўнг МУФ жигарда $29,2 \pm 9,3\%$ ни ташкил этган бўлса, 48 ва 72 соатдан кейинги униш мос равишда $58,3 \pm 10,1\%$ ва $83,3 \pm 7,6\%$ ни ташкил этди. Жигар бўйича келтирилган 24 соатлик натижалар билан қиёслаганда ишончлилик даражаси мос равишда $P < 0,02$ ва $P < 0,001$ бўлди.

Тажриба ҳайвонлари талоғи бўйича МУФ кўрсаткичлари МЛТ ва жигар параметрларидан униш фоизлари пастлиги билан фарқ қилди. Агар 1а гуруҳчасида микроорганизмлар униши қайд қилинмаган бўлса, 1б гуруҳчасида МУФ $29,2 \pm 9,3\%$ ни ташкил этди, 1в гуруҳчасида ҳам шунга яқин натижа олинди - $33,3 \pm 9,6\%$. Ҳар иккала натижа бир биридан ишонарли фарқ қилмади ($P > 0,05$).

Ўпка паренхимасидан унган МУФ тажриба ҳайвонлари МЛТ, жигар кўрсаткичларидан униш фоизининг бир неча баробарга пастлиги билан тубдан фарқ қилди. Тажрибавий ЎИИТ шакллантирилгач, 24 соатдан сўнг ўпкада микроорганизмлар униши кузатилмади. Шунинг баробарида тажриба давомида 48 ва 72 соатлик муддатлардан сўнг МУФ мос равишда $8,3 \pm 5,5\%$ ва $16,7 \pm 7,6\%$ ни ташкил этди. Эътиборли жойи шундаки, ўпкада бошқа солиштирилаётган аъзоларга нисбатан МУФ энг кам микдорларда аниқланиши баробарида, ингичка ичак сунъий обтурациясидан кейинги муддатларга боғлиқлик кузатилмади.

Таққослаш ва назорат гуруҳларида тажрибага жалб қилинган лаборатория ҳайвонлари ички аъзоларидан мусбат бактериологик натижа олинмади. Бу ҳолат БТ даражаси ва интенсивлигига ичак обтурацияси таъсирининг катта эканлигини кўрсатади.

Илмий ишимизнинг кейинги босқичида тажрибавий ЎИИТ да турли муддатларда лаборатория ҳайвонлари ички аъзоларига бактерияларнинг транслокация бўлиши натижалари ўрганилди.

Ушбу тажриба натижасида 2а гуруҳчасида МЛТдан МУФ тажрибавий ЎИИТ дан (1а гуруҳчаси) кейинги кўрсаткичлар доирасида бўлди - $41,7 \pm 10,1\%$ га қарши $45,8 \pm 10,1\%$. Аммо, 48 соатдан кейинги натижалар ишонарли фарқ қилгани ҳолда ($58,3 \pm 10,1\%$ га қарши $91,7 \pm 5,6\%$), 72 соатдан кейин ишонарли тафовут яна йўқолди - мос равишда 100% дан.


ЎЙИТ моделида жигар бўйича олинган кўрсаткичлар қуйидагича тус олди: 24 соатдан сўнг МУФ $16,7 \pm 7,6\%$, 48 соатдан сўнг $50,0 \pm 10,2\%$ ва 72 соатдан сўнг $79,2 \pm 8,3\%$. Бу натижалар ЎЙИТ параметрлари билан қиёсий ўрганилганда аниқланишича, 24 соатлик муддатдан сўнг тажрибавий ЎЙИТ даги МУФ тажрибавий ЎЙИТ га нисбатан 1,8 мартага ишонарли равишда ($P < 0,05$) камайган бўлса, 48 ва 72 соатдан кейин бу параметр мос равишда 1,2 ва 1,05 мартага ишонарсиз даражада ($P > 0,05$) камайди. Бу ҳолат муддат ўтиши билан (48, 72 соат) БТ интенсивлиги ҳар иккала моделда ҳам бир хилда юз берганини кўрсатди.

Талокдан 24 соатдан сўнг барча намуналарда стерил натижа олинган бўлса («манфий бактериологик натижа»), 48 соатдан сўнг эса ушбу аъзодан микроорганизмлар $20,8 \pm 8,3\%$ ҳолатда унди. Шу аснода 72 соатдан кейин эса МУФ 48 соатлик муддатга нисбатан 2,0 мартага ишонарли ошди - $41,6 \pm 10,1\%$ ($P < 0,001$). ЎЙИТ натижаларидан ЎЙИТ кўрсаткичлари сезиларли фарқ қилса ҳам, аммо ишонарли тафовут кузатилмади. Демак, ҳар иккала моделда ҳам ўзгаришлар тенденцияси бир хил.

Ўпка тўқимасидан 24 соатдан кейин микроорганизмлар унмаган бўлса, 48 соатдан кейин бу кўрсаткич $16,7 \pm 7,6\%$ га етди, 72 соатдан сўнг эса униш кўрсаткичи 2,2 мартага ишонарли ошди ($P < 0,001$). Тажрибавий ЎЙИТ параметрлари билан солиштирилганда ишонарли даражадаги тафовут 72 соатдан сўнггина намоён бўлди (2,3 мартага, $P < 0,001$).

Тажрибавий ЎЙИТ даги сингари ўтказилган тажрибавий ЎЙИТ да ҳам таққослаш ва назорат гуруҳларига мансуб ҳайвонлар аъзоларидан микроорганизмлар унмади («манфий бактериологик натижа»).

Ўзгаришлар тенденцияси ҳар иккала моделда бир бирига яқин бўлиши муддат ўтиши билан БТ интенсивлиги амалий жиҳатдан бир хиллигини кўрсатди. Барча олинган натижаларни тушуниш ва қиёсий таҳлил ўтказиш осон бўлиши учун ЎЙИТ ва ЎЙИТ да БТ даражаси кўрсаткичларини қиёсий тарзда келтириб ўтишни лозим топдик (1-расм).



1- расм. Тажрибавий ЎЙИТ ва ЎЙИТ да ҳайвонлар аъзоларидан МУФ кўрсаткичлари, % (Изоҳ: ИИ - ингичка ичак; ЙИ - йўғон ичак)

Шуни ҳисобга олган ҳолда лаборатория ҳайвонлари МЛТ ва жигаридан тажриба жараёнида аниқланган МУФ кўрсаткичини тажрибада БТ интенсивлиги даражасини баҳолаш учун тажрибавий микробиологик мезон сифатида тавсия этдик (ихтирога IAP 2016 0298-рақамли талабнома 2016 йил 13 октябрдан).

Бажарилаётган илмий ишнинг кейинги босқичи тажрибавий ЎИИТ ва ЎИИТ моделларида тажрибага жалб қилинган лаборатория ҳайвонлари периферик қони ва перитонеал суюқлигидан МУФ ни ўрганиш бўлди.

ЎИИТ ва ЎИИТ да 24 соатдан сўнг қоннинг барча намуналарида манфий бактериологик натижалар олинди. Аммо, кузатув муддати ошиши баробарида мусбат бактериологик натижалар кузатилди. Улар аниқланиш фоизи 48 ва 72 соатлик обтурациядан сўнг мос равишда $20,8 \pm 8,3\%$ ва $25,0 \pm 8,8\%$ ни ташкил этди. Агар 72 соатлик муддатдан сўнг тажрибавий ЎИИТ моделида олдинги муддатга (48 соат) нисбатан статистик жиҳатдан фарқли натижа олинмаган бўлса ($25,0 \pm 8,8\%$ га қарши $20,8 \pm 8,3\%$, $P > 0,05$), тажрибавий ЎИИТ моделида ўзгача манзара кузатилди, яъни мусбат бактериологик натижалар фоизи обтурациядан 72 соат ўтгач, 48 соатлик муддатга нисбатан 2,0 мартага ишонарли даражада кўпайди ($50,0 \pm 10,2\%$ га қарши $25,0 \pm 8,8\%$, $P < 0,001$).

Тажрибага жалб қилинган лаборатория ҳайвонлари перитонеал суюқлигини микробиологик ўрганиш натижалари периферик қон кўрсаткичларидан тубдан фарқ қилди. Олинган натижалар обтурациядан кейинги муддатларга боғлиқ ҳолда қуйидагича тус олди: ЎИИТ да мос равишда $50,0 \pm 10,2\%$, $66,7 \pm 9,6\%$ ва $95,8 \pm 4,1\%$ ($P < 0,001$); ЎИИТ да мос равишда $37,5 \pm 9,9\%$, $58,3 \pm 10,1\%$ ва $95,8 \pm 4,1\%$ ($P < 0,001$). Келтирилган рақамларнинг бир биридан ишонарли фарқ қилиши эътиборни жалб қилади. Шуни таъкидлаш жоизки, ЎИИТ ва ЎИИТ моделларида обтурация муддатларига мос таққосланганда барча муддатларда ишонарли тафовут аниқланди ($P < 0,001$). Бу ҳолат перитонеал суюқликка бактерияларнинг транслокация бўлиш интенсивлиги юқори эканлигидан далолат беради.

Бошқа ички аъзолар ва периферик қондан фарқли равишда таққослаш гуруҳи ҳайвонлари перитонеал суюқлигида 48 ва 72 соатлик обтурациядан сўнг мос равишда $4,2 \pm 4,0\%$ ва $8,3 \pm 5,6\%$ ҳолатларда мусбат бактериологик натижалар олинди. Назорат гуруҳи ҳайвонлари периферик қони ва перитонеал экссудатидан манфий бактериологик натижа кузатилди.

БТ интенсивлиги бўйича перитонеал суюқлик кўрсаткичлари МЛТ ва жигар параметрларига жуда яқин бўлди, шу сабабли тажриба жараёнида аниқланган МУФ кўрсаткичини тажрибада БТ интенсивлиги даражасини баҳолаш учун тажрибавий микробиологик мезон сифатида тавсия этдик.

Диссертациянинг «**Тажрибавий ўткир ингичка ва йўғон ичак тутилиши моделларида микроорганизмларнинг монокультура ва ассоциация кўринишларида учраш даражаси**» деб номланган тўртинчи бобида унда мусбат бактериологик натижа олинган ҳолатларда микроорганизмларнинг монокультура ва микроорганизмлар ассоциацияси шаклида аниқланиши кўрсаткичлари ўрганилди. Бу обтурация муддатларига

боғлиқ ҳолда унган микроорганизмлар миқдорий ва сифатий ўзгаришларига баҳо бериш имконини берди.

Тажрибавий ЎИИТ да лаборатория ҳайвонлари МЛТ да обтурациядан сўнг 24 соат ўтгач, транслокация бўлувчи микроорганизмлар монокультура шаклида униши уларнинг ассоциация шаклида учрашига нисбатан 2,7 мартага ишонарли кам учради (мос равишда $27,3 \pm 13,4\%$ га қарши $72,7 \pm 13,4\%$). Обтурация муддати ўтиши билан бу фарқ ортиб борди - агар 48 соатдан кейин монокультура 10,0 мартага ассоциацияларга нисбатан ишонарли кам учраган бўлса ($9,1 \pm 6,1\%$ га қарши $90,9 \pm 6,1\%$), 72 соатдан сўнг монокультуранинг униши умуман кузатилмади. Обтурация муддати ва микроорганизмларнинг ассоциация шаклида униши фоизи бир бирига тўғри пропорционал бўлди. Бу ҳолат БТ интенсивлиги даражаси МЛТ да фақатгина микроорганизмлар униши билангина эмас, балки ассоциация шаклида кўплаб учраши билан ҳам тавсифланади. Бу ҳолат БТ ривожланиш механизмида муҳим ўрин тутади.

Жигар бўйича олинган натижалар ҳам МЛТ кўрсаткичларига ўхшаш бўлди, ўзгаришлар тенденцияси сақланиб қолди, фақат фоизлар орасидаги тафовут бу олинган параметрлар интенсивлигининг бир мунча пастлиги бўлди, 24, 48 ва 72 соатлик муддатдан кейин монокультура шаклининг микроорганизмлар ассоциацияси кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 1,3 ($P < 0,05$); 2,5 ($P < 0,002$) ва 5,7 ($P < 0,001$) мартагача камлиги эътиборни жалб қиладиган ҳолат. Лаборатория ҳайвонлари жигари бўйича олинган маълумотлар бу аъзонинг МЛТ сингари БТ ривожланиш механизмларининг асосий бўғинларидан бири эканлигини ва БТ интенсивлигини асосан микроорганизмлар ассоциациялари таъминлашини кўрсатди.

ЎИИТ бўйича тажрибаларга жалб қилинган лаборатория ҳайвонлари талоғидан олинган экмалар бўйича натижалар МЛТ ва жигардан олинган параметрлардан тамомила фарқ қилиши билан тавсифланди. Талоқда обтурациядан 24 соат кейин униш кузатилмаган бўлса, 48 ва 72 соатдан кейин микроорганизмларнинг монокультура шаклида учраши ассоциация шакли билан амалий жиҳатдан тенг бўлди (мос равишда $42,9 \pm 18,7\%$ га қарши $57,1 \pm 18,7\%$; $50,0 \pm 17,7\%$ га қарши $50,0 \pm 17,7\%$). Обтурация муддатларига боғлиқ микроорганизмлар аниқланиш фоизларининг кўпаймагани ва транслокация бўлувчи бактерияларнинг кам миқдорда униши БТ интенсивлигини баҳолаш имконини бермади. Бу ҳолат эса талоқнинг БТ ривожланиш механизмида ўрни нисбатан кам эканлигини кўрсатди.

Ўпка бўйича натижалар МЛТ ва жигар кўрсаткичларига тескари пропорционал бўлди, яъни монокультура миқдори микроорганизмлар ассоциациялари сонига нисбатан 48 ва 72 соатдан сўнг кўплиги билан ажралиб турди, аммо унган микроорганизмлар миқдори жуда камлиги ҳисобига маълум хулосаларга келишни лозим топмадик.

Фикримизча, БТ да асосий «мўлжал» аъзолар сифатида МЛТ ва жигар хизмат қилса, талоқ ва ўпкага транслокация бўлувчи микроорганизмлар қон орқали тушади. Ушбу иккала аъзо (талоқ, ўпка) кўрсаткичларини тажрибавий

БТ интенсивлигини баҳолаш учун микробиологик мезон сифатида тавсия этиш мумкин эмас.

Тажрибавий БТ ривожланиш механизмида ҳамда унинг интенсивлигини баҳолашда, монокультура ва микроорганизмлар ассоциацияларининг БТ шаклланишида тутган ўрнини аниқлашда, транслокация бўлувчи микроорганизмлар учраш даражасининг қиёсий хусусиятларини кўрсатиб беришда ўрганилган тўрттала аъзо бўйича «кесишувчи» натижалар ЎИИТ тажрибавий модели шакллантирилганини тасдиқловчи микробиологик белги сифатида қўллаш тавсия этилади.

Кейинги босқичда тажрибавий ЎИИТ модели бўйича лаборатория ҳайвонлари аъзоларида унган монокультура ва микроорганизмлар ассоциациялари кўрсаткичларини талқин ва таҳлил этдик. Ушбу моделда ҳам олдинги моделга ўхшаш тенденция сақланиб қолди. ЎИИТ модели билан ўтказилган қиёсий таҳлил ўзгаришлар тенденциясининг амалий жиҳатдан бир хиллигини, фоизлар орасида ҳам ишонарли даражадаги тафовутлар йўқлигини кўрсатди. Демак, БТ интенсивлиги МЛТ ва жигар бўйича иккала моделда ҳам бир хил кечди. Қиёсий таҳлил ЎИИТ моделида талоқ ва ўпка кўрсаткичлари ЎИИТ модели параметрлари доирасида бўлганини кўрсатди ва ўзгаришлар тенденцияси сақланиб қолди.

Демак, БТ ривожланиш механизмида асосий ўринни микроорганизмлар ассоциациялари эгаллайди. Транслокация бўлувчи микроорганизмларнинг яқка ҳолатда аъзоларга ўтиши БТ шаклланишида маълум аҳамият касб этса ҳамки, унинг ривожланишида амалий жиҳатдан ўрни кам, БТ интенсивлигини ҳам асосан бактерияларнинг биргаликда (ассоциация) учраши таъминлаши кўрсатиб берилди.


Кейинги босқичда унган микроорганизмлар ассоциацияларини тавсифлаш зарурати туғилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, МЛТ дан унган монокультураларнинг барчасини *E.coli* ташкил этди: обтурациядан 24 соат кейин 3 ҳолатда; 48 соатдан кейин 2 ҳолатда; 72 соатдан сўнг монокультура идентификация қилинмади, барча ҳолатларда микроорганизмлар ассоциациялари унди.

Ассоциациялар МЛТ да обтурациядан 24 соат ўтгач, барча экмаларда ($n=8$) 2 та микроорганизмдан иборатлиги аниқланди, аммо, 48 соатдан кейин ассоциация таркиби ва учраш даражаси ўзгарди. Экмаларда ($n=20$) 2 та ва 3 та микроорганизмлардан иборат мажмуалар учради. 72 соатдан кейин ассоциациялар 24 ҳолатда учраган бўлиб, 2 та микроорганизмли ассоциация 15 ҳолатда идентификация қилинди, шу муддатда 3 та микроорганизмнинг униши эса 9 ҳолатда кузатилди (2 расм). Демак, обтурация муддати ошиб бориши билан МЛТ дан ассоциация шаклида униш кўрсаткичлари кўпайиши баробарида ундаги микроорганизмлар сони ҳам ошди. Бу параметр ҳам БТ интенсивлигини баҳоловчи кўрсаткич сифатида тавсия этилди.

Жигар бўйича кўрсаткичлар МЛТ га ўхшаш тенденцияни сақлаб қолди. Фарқли хусусиятлари, биринчидан, микроорганизмлар ассоциацияларининг миқдор жиҳатдан кам учраши, иккинчидан эса 3 та микроорганизмнинг бирга

унишининг йўқлиги. Демак, жигардан микроорганизмлар ассоциациялари МЛТ дан фаркли равишда фақат 2 та микроорганизмдан иборат бўлди, шунингдек, обтурация муддатларига боғлиқ ҳолдаги микдорий ўсиш сақланиб қолди. БТ интенсивлиги МЛТ га нисбатан камайгани эътиборни жалб қиладиган ҳолат.



2-расм. ЎИИТ да ҳайвонлар аъзоларидан микроорганизмлар ассоциациялари унишининг солиштирма кўрсаткичлари, %

Ишимизнинг кейинги босқичида юқоридагига ўхшаш таҳлил ЎИИТ да ҳам ўтказилди. Олинган натижалар бўйича баъзи бир фаркли хусусиятлар кўзга ташланса ҳамки, микроорганизмлар монокультура ва ассоциациялари аниқланиш тенденцияси ЎИИТ кўрсаткичларига яқин бўлди. Улар орасидаги асосий фарқ МЛТ ва жигар кўрсаткичларида, баъзи микроорганизмлар унишининг миқдор жиҳатдан фарқида бўлди. МЛТ ва жигарда ассоциация шаклида учраш монокультура шаклига нисбатан ишонарли кўп учраши баробарида, ассоциацияларда 2 та, 3 та ва 4 та микроорганизмларнинг биргаликда учраши кузатилди. Обтурация муддати ошиб бориши билан ассоциациядаги микроблар сони кўпайиши бир бирига тўғри пропорционал бўлди. Микроорганизмлар биргаликда унишининг кўп миқдорда учраши БТ интенсивлигининг юқори эканлигидан далолат, шунингдек, ассоциацияларни БТ шаклланиш ва ривожланиш механизмини таъминловчи асосий омиллардан бири сифатида эътироф этамиз. Талоқ ва ўпкадаги натижалар МЛТ ва жигардан тубдан фарқ қилгани ҳолда, ассоциацияларнинг кам аниқланиши билан ҳам тавсифланди. Шунингдек, 3 та ва 4 та микроорганизмлардан иборат ассоциациялар обтурация муддатларидан қатъий назар ушбу аъзоларда аниқланмади.


Лаборатория ҳайвонлари экстраинтестинал аъзолари билан ўтказилган микробиологик тадқиқотлар периферик қон ва перитонеал суюқлик бўйича ҳам ўтказилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, периферик қон ва перитонеал суюқликда микроорганизмларнинг монокультура ва ассоциация

шаклида учраш даражаси бир бирдан фарқ қилгани ҳолда, обтурация муддатларида ҳам сезиларли тафовут кузатилди.

ЎИИТ ва ЎИИТ моделларида периферик қондан монокультура ва ассоциация кўринишлари нисбатан кам аниқланган, монокультуралар униши микроорганизмларнинг биргаликда учрашидан миқдор жиҳатдан кўп унган бўлса, перитонеал суюқлик кўрсаткичлари бунинг айна тескараси бўлди. Фарқли жиҳатлардан бири бу ассоциация кўринишида 3 та микроорганизмни унишларнинг ҳам учрашини келтириб ўтиш лозим. Демак, БТ интенсивлиги перитонеал суюқликда ишонарли равишда юқорилиги билан ажралиб турди. Бу ҳолат БТ ривожланиш механизмида перитонеал суюқликнинг ўрни катталиги ва периферик қоннинг аҳамияти пастлиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг «**Бактериал транслокация жараёнида ички аъзоларга ўтган микроорганизмлар пейзажи тавсифи**» деб номланган бешинчи бобда унган микроорганизмлар пейзажига баҳо берилди.

Тажрибавий ЎИИТ моделида МЛТ да тажриба муддатларига боғлиқ ҳолда микроорганизмлар пейзажи турлича бўлди (3-расм).




3-расм. Тажрибавий ЎИИТ да МЛТ дан унган микроорганизмларни обтурация муддатларига мос қиёсий ўрганиш натижалари, %

